



Утверждаю
Начальник ОКС МВД Республики
Каракалпакстан
Ш. Ганиев

**Караузяк тумани ички ишлар булими биносини мукамал таъмирлаш
ишларига лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш. (1-этап)
*ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ***

Нукус шаҳри 2022 й.

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Буюртмачи - танлов ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлов эълон қилади.

Танловнинг тури – электрон танлов,

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим

1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550 қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Танлов мавзуси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 апрелдаги 54-сонли раёсати мажлисининг баёнига асосан, соҳа сферасида объектларнинг лойиҳа – смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари.

1.3. Танлов охириги қийматига: лойиҳа – смета ишлари ҳамда лойиҳа олди ҳужжатлари (ЗВОС, экологик хулоса, АРТ, объектни техник урганиш, лойиҳа қидирув ишлари,) ва лойиҳа - смета ҳужжатлари учун “Шаҳарсозлик ҳужжатлари” экспертизаси хулосасини олиш ишлари киритилади. ТАЖ да кўрсатилган қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.6 Ҳарид комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн, электрон тарзда.

2 Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи – **УФ и МТО МВД РК** (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи харид комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.3 Танлов камида 5 аъздан иборат Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

3.2 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:

- а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
- б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ уз таклифини тақдим этиш;

4.2 Куйдаги иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

- а) Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжудлиги;
- б) Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлиги;
- в) "Бююртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;
- г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ваёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Бююртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: оферентлар ва бююртмачи ўртасида аффилиланганлик хусусияти аниқланганлигида (бунда оферент тақдим этган ва расмий маълумотлар асосида текширилади), коррупцияга йўл қўйилмаслик тўғрисида ариза илова қилинмаса, баҳолаш учун зарур булган маълумотлар тақдим этилмаганда.

4.4. Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйдаги талаблар қўйилади:

- а) Танлов иштирокчилари куйдаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш(хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг тегишли иш стажига ва соҳавий тажрибага эга бўлиши кераклиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага эгаллиги, лицензияси объектнинг мураккаблик тоифасига тўғри келиши, ушбу ҳудудда ишлаган соҳавий объектларининг руйхати, лойиҳаси бош режалари кўрсатилиши лозим, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- б) Ушбу соҳа бўйича ишлаган объектларини руйхати кўрсатилиши шарт.
- в) Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, офис техникаларига эга бўлиши; бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин камида 1 йил иш кўрсатганлиги, тажрибага эга бўлиши, устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Танлов таклифи ва иштирокчи ва бююртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар Давлат ёки рус тилида бўлиши керак. Танлов таклифи Давлат еки рус тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Оферент: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

6.3.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари (Иловалари ва тасдиқловчи билан).

3-шакл. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда иш тажрибаси, соҳавий ишлари лойиҳаси рўйхати.

4-шакл. Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда офис техникасининг рўйхати ушбу соҳа тегишли офис техникасининг кўрсатиш лозим (бунда зарур ҳолларда тегишли расмларни тақдим этишни талаб қилишша ҳақли).

6.3.2. Иловалар рўйхати:

1 - илова. Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини бажариш таклифи.

2 - илова. Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишларини бажариш графиги.

6.4 Шунингдек, иштирокчи барча танлов ҳужжатларини электрон тарзда тайёрлаши ва махсус порталига жойлаштириши керак

6.5 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича харид комиссияси масъул.

7.2 Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Харид комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Танлов ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишликирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

9. ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	УФ и МТО МВД РК
2.	Объект номи:	<i>Қараузьяк тумани ички ишлар бўлими биносини мукаммал таъмирлаш. (1-этап)</i>
3.	Танлов тури:	<i>Электрон</i>
4.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<i>Etender.uzex.uz</i>
5.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<i>Etender.uzex.uz махсус ахборот портали</i>
6.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	<i>Лицензияга эга лойиҳа ташкилотлари</i>
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	<i>Лойиҳа олди ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш</i>
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Таклифларни тақдим этиш эълонда кўрсатилган муддатга қадар</i>
9.	Танлов ҳужжатининг тили:	<i>Давлат ва Рус тили</i>
10.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	<i>Танлов таклифини тақдим этиш муддати тугагандан 10 кундан охиши мумкин эмас</i>
11.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	<i>30 000 000 сум</i>
12.	Буюртмачи томонидан белгиланган муддати	<i>5 кун</i>
13.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Бюджеттан ташкари</i>
17.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	<i>Молиялаштириш шартлари: бўнак - танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган лойиҳа ташкилоти учун 30 %; жорий молиялаштириш - бажарилган ишларнинг ҳажмидан 100% миқдорда.</i>
18.	Шартнома тили:	<i>Давлат ва Рус тили</i>
19.	Шартнома валютаси:	<i>Сўм.</i>